O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TRANSPORT VAZIRLIGI
MINISTRY OF TRANSPORT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
O‘zbekiston Respublikasi, Toshkent viloyati, Yuqori Chirchiq tumani, “Istiqbol” MFY,
Yangi Toshkent shahrini barpo etish hududi, Transport vazirligi ma’muriy binosi,
tel.: +99871 202-05-00, info@mintrans.uz, mintrans@exat.uz, gov.uz/mintrans

2026-yil 22-oktabr 2/9774-son

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!
Қадрли меҳмонлар ва ҳамкорлар!

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳамда шахсан ўз номимдан барчангизни **22-Халқаро «Транспорт ва логистика – TransLogistica Uzbekistan 2026» кўргазмаси**нинг очилиши билан самимий қутлашдан мамнунман.

Бугунги кунда транспорт-логистика тармоғи нафақат барқарор иқтисодий ўсишнинг таянчи, балки ҳудудлар ва глобал бозорларни ўзаро боғловчи, савдо-сотиқ ҳамда инвестициялар учун янги уфқларни очувчи стратегик кўприк вазифасини ўтамоқда.

Ҳурматли Президентимиз томонидан ушбу соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилиб, ташқи савдо йўналишларини диверсификация қилиш, халқаро транспорт йўлаклари салоҳиятидан самарали фойдаланиш, чегара жараёнларидаги тўсиқларни бартараф этиш ва рақамли ечимларни жорий қилиш орқали мамлакатимизнинг экспорт ҳамда транзит имкониятларини кенгайтириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган.

«Шимол – Жануб» ва «Шарқ – Ғарб» стратегик йўлаклари чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон глобал таъминот занжиридаги ўз ўрнини мустаҳкамлаб, минтақавий ва халқаро транспорт-логистика хабига айланмоқда. Олиб борилаётган тизимли ислоҳотлар эса ўз аниқ самарасини бермоқда. Хусусан, 2025 йилда халқаро юк ташувлари ҳажми 66,8 миллион тоннага етиб, 2024 йилга нисбатан 11,9 фоизга ошди. Ушбу кўрсаткич сўнгги 10 йил ичида 2,2 баробар ўсганини алоҳида таъкидлаш лозим.

IJRO.GOV.UZ tizimi orqali ERI bilan tasdiqlangan, Hujjat kodi: DZ80751761

Бунда темир йўл транспортининг улуши қарийб 70 фоизни (46,2 млн тонна) ташкил этган бўлса, автомобиль транспортида юк ташиш охирги ўн йилликда 6 баробарга кўпайди.

Шунингдек, 2025 йилда Ўзбекистон ҳудуди орқали транзит ташувлари ҳажми 11 фоизга ўсиб, 15,3 миллион тоннани ташкил этди ва бу ўн йил олдинги ҳолатга нисбатан икки карра кўпдир. Аммо бу мавжуд улкан салоҳиятнинг фақатгина бир қисми, холос.

Бу борада узунлиги қарийб 533 километрни ташкил этувчи «Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон» стратегик темир йўли лойиҳаси тарихий аҳамиятга эга. Лойиҳанинг тўлиқ ишга туширилиши йиллик юк ташиш ҳажмини 15 миллион тоннагача ошириш ва товарларни етказиб бериш муддатини ўртача 7 кунгача қисқартириш имконини беради. Қолаверса, Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мазкур йўлакни Ўрта йўлак билан интеграция қилиш орқали «Хитой – Марказий Осиё – Каспий – Кавказ – Европа» узлуксиз трансконтинентал қуруқлик йўналишини яратиш устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Жанубий йўналишда эса Трансафғон темир йўли стратегик аҳамиятга эга бўлиб, мазкур йўл Жанубий Осиёни Марказий Осиё темир йўл тизими билан боғловчи муҳим бўғинга айланади.

Шунингдек, мавжуд йўлаклардан самарали фойдаланиш мақсадида Каспий денгизида қўшимча паромлар харид қилиш бўйича қўшма корхона яратиш ва Поти портида терминал барпо этиш лойиҳалари жадал амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизнинг ички инфратузилмасини модернизация қилишга ҳам комплекс ёндашилмоқда. Хонобод, Ангрен, Янгийўл, Оҳангарон, Олот ва Термиз каби ҳудудларда замонавий логистика марказлари ва инфратузилма объектларини яратиш доирасида 740 гектар майдонда жами 17 та йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, илк «Тошкент – Самарқанд» пулли автомобиль йўли қурилиши бошлангани, темир йўлларнинг электрлаштирилаётгани ва жамоат транспортида интеллектуал бошқарув тизимлари жорий қилинаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Бугунги «TransLogistica Uzbekistan 2026» кўргазмаси соҳадаги сўнгги инновацияларни намойиш этиш, илғор тажриба алмашиш ва янги ишбилармонлик алоқаларини ўрнатиш учун ўзига хос муҳим платформа бўлиб хизмат қилади. Ишончим комилки, ушбу тадбир халқаро ҳамкорлигимизни янада кенгайтиришга кучли туртки беради.

Барча кўргазма иштирокчилари ва меҳмонларига мазмунли музокаралар, истиқболли лойиҳалар ҳамда улкан муваффақиятлар тилайман!

М.А.Омаров
вазирнинг
биринчи ўринбосари

QRF4773